

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗИРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.012020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ ХОЛМУРОТ АБДУЛЛАЕВИЧ

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА АРАЛАШ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Техника олий таълим муассасалари мисолида)**

13.00.06 - Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Рахимов Холмурот Абдуллаевич

Электрон таълим муҳитида аралаш ўқитиш методикасини
такомиллаштириш.....5

Рахимов Холмурот Абдуллаевич

Совершенствование смешанных методов обучения в среде электронного
обучения.....21

Rakhimov Kholmurot Abdullaevich

Improving blended learning method in an e-learning environment 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗИРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.012020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ ХОЛМУРОТ АБДУЛЛАЕВИЧ

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА АРАЛАШ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Техника олий таълим муассасалари мисолида)**

13.00.06 - Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Ped2360 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (tdpu_kengash@edu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хакимова Муҳаббат Файзиевна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Тоштемиров Дониёр Эшбоевич,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.012020. Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н.,
доцент

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳалқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача янги таълим концепясида “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларга етказувчи муҳим фаолият”, деб эътироф қилинган. Сифатли таълим бериш, билим, кўникма ва малака ҳамда қобилиятларини ривожлантиришинг, электрон технологиялари таълим жараёнига тадбиқ этилган. Хозирги ривожланиш даражаси таълим тизимининг инновацион жараёнларга интилиши билан биргаликда олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ўзгартириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида талабаларнинг мустақил тайёргарлигини бошқаришни оптималлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон олий таълим ва илмий ташкилот муассасалари тизимида электрон ахборот-таълим ресурсларидан фанларнинг методик таъминотини такомиллаштириш, талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, машғулотларда мультимедиа, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўламда ва оммавий фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Талабаларнинг мустақил иш вақтини бошқаришнинг энг самарали шаклларида бири электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган “Аралаш ўқитиш” тизимини жорий этиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда таълим жараёнини модернизациялаш мақсадида АҚШ, Россия, Франция, Жанубий Корея Республикаси, Хитой, Япония, Туркия, Хиндистон, Латвия давлатларининг нуфузли олий таълим муассасалари филиаллари, кўшма факультетлар, кўшма таълим марказлари ташкил қилинмоқда, уларнинг моддий-техник базаси яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” устивор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада хорижий таълим тажрибалари асосида таълимнинг электрон методик таъминотини яратиш имконини берадиган масофавий таълимни ривожлантириш, аралаш ўқитиш (“Blended learning”), вебинар ва бошқа онлайн таълим технологияларини амалиётга кенг жорий этишда мураккаб объектларнинг ҳолати тўғрисида маълумотни тезкор кўрсатиш учун уч ўлчовли динамик визуализация тизимларидан фойдаланиш вазифаси долзабрдир. Бу эса, мамлакатимизда таълимнинг истиқболли йўналишларини белгилашга хизмат қиладиган масофавий таълимни кенг жорий қилишда “Аралаш ўқитиш” методикасидан фойдаланиш талабаларнинг келажакда ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 ПҚ-3775-сон июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қароридан ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электрон таълим муҳитини ташкил этиш ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари Абдуқодиров А., Бегимкулов У., Муслимов Н.А., Тайлақов Н.И., Олимов Қ., Шарипов Ш.С., Исмаилова З.К., Ибрагимова Г.Н., Ҳайтов А., Закирова Ф.М., Арипов М., Туракулов О., Мамаражабов М.Э., Турсунов С., Шодиев Р.Д., Суропов Б., Чоршанбиев З.Э. ларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Электрон таълим муҳитининг функционал имкониятлари, замонавий электрон таълим ресурслари Захарова У. С., Илйина В. А., Калина И. И., Осипова О., Полат Е.С., Андреев А., Захарова И., Хуторской А., Роберт И.В. лар илмий тадқиқотларида ёритилган.

Электрон таълим муҳитини шакллантириш, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш Andresen B., Burns M., Henderson M., Mishra S., Muras T., Mangal U., Ramesh C., Raymond F., Romeo G., Rosenberg M., Vaughan T., Chambers W.N., Cowen E.L., Johnson E., Spector J.M., Locard J., Kegan D., Kulanthaivel G. лар илмий тадқиқотлари олиб борилган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университетиде И1-ОТ-О-96426 рақамли “Таълим муассасаларида амалий касбий таълим методикаси ва технологияларини тизимлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш” номли грант, ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” ва АIF №2/15 рақамли “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги ҳалқаро грант, номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электрон таълим муҳитда аралаш ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти техника олий таълим муассасаларида электрон таълим муҳитда аралаш ўқитиш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг предмети электрон таълим муҳитда аралаш ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг шакл, методлар, воситалари.

Тадқиқотнинг вазифалари:

электрон таълим муҳитида аралаш ўқитиш методикаси 3D форматли динамик ва рақамли электрон таълим ресурсларни лойиҳалаш асосида такомиллаштириш;

техника йўналишидаги ОТМларида талабаларнинг мустақил таълим олишига хизмат қиладиган электрон ўқув услубий платформа (ЭЎУП) модели ўқув ахбороти ва мултимедиани тақдим этишнинг тўлиқлилик, интерактивлик, узвийлик, мослашувчанлик тамойиллари асосида такомиллаштириш;

аралаш ўқитиш муҳитида талабаларнинг касбий компетентлиги сифатларининг функционал хусусиятларини такомиллаштириш;

аралаш таълим муҳитида талабаларнинг таҳлил ва синтез қилиш, ижодий фаоллик ҳамда касбий компетенцияларини ривожлантириш алгоритмини мезон ва кўрсаткичлари булутли технологиялар ҳамда виртуал таълим воситалари асосида такомиллаштириш.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид педагогик, психологик ва методик манбалар, дидактик адабиётлар, ДТС, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий ҳужжатларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, таълим жараёнини кузатиш, анкета-сўровномалар ўтказиш, суҳбат, тажриба-синов ишларини амалга ошириш ҳамда олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

электрон таълим муҳитида ўқитишнинг ташкилий-методик тамойиллари (кўргазмалилик, ижодий фаоллик, самародорлилик) ёрдамида машғулотларни ўқув-ташкилий тузилмасига 3D форматли динамик ва рақамли электрон таълим ресурс (GeoGebra дастури ва мобиллашуви)ларни контентлаш ҳамда дидактик компетенциясини интерфаол методлари асосида такомиллаштириш модели ва компонентлар (мақсадли, методологик, мазмуний, таркибий, процессуал ва диагностик) имкониятлари уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

техника йўналишидаги талабаларнинг мустақил таълим олишига хизмат қиладиган ЭЎУП модели (веб-платформа) ўқув ахбороти ва мултимедиани тақдим этишнинг тўлиқлилик, интерактивлик, узвийлик, мослашувчанлик тамойиллари ҳамда дидактик мақсадларини (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) идентив хусусиятларга кўра ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларини босқичли ва мақсадли лойиҳалаш асосида аниқлаштирилган;

амалий масалаларни ечишга мўлжалланган педагогик дастурий таъминот ва виртуал аудиториялар (масофадан туриб)ни интеграциялаш асосида талабаларнинг фаоллигини ошириш орқали компетенциялар

ривожланганлигининг репродуктив, алгоритмик, қисман изланувчанлик ва ижодий даражалари ҳамда англаш, билиш, қўллаш, таҳлил ва хулосалаш кўрсаткичлари мазмунини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

аралаш таълим муҳитида талабаларнинг таҳлил ва синтез қилиш, ижодий фаоллик ҳамда касбий компетенцияларини ривожлантириш алгоритминини мезон ва кўрсаткичлари булутли технологиялар ҳамда когнитив соҳа, коммуникатив даража ва ўзини-ўзи касбий-шахсий ривожлантириш мотивацияси каби омилларни ўзаро самарали уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

электрон таълим муҳитида талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган 3D форматли электрон ўқув-услугий платформа ва амалий машғулотларни олиб бориш учун виртуал аудиториялар ишлаб чиқилган;

олий таълим тизимида бўлажак муҳандислар учун касбий масалаларни ечишга қаратилган “Ehtimollar nazaryasi va matematik statistika fanidan amaliy mashg’ulotlarni bajarish” ЭХМ дастури ишлаб чиқилган;

техника йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларининг масофадан туриб ўқишларига амалий ёрдам берувчи “Masofaviy ta’limni Moodle- Web muhitida o’qish” ва “Matematika fanida GeoGebra dasturidan foydalanish” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда татбиқ этилгани; тадқиқот вазифаларига мос тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; олинган натижаларнинг математик-статистик қайта ишлов берилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак муҳандисларнинг касбий фаолиятга таёрлаш жараёнида электрон таълим муҳитига таъсир кўрсатувчи педагогик шарт-шароитларнинг аниқланганлиги; касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга йўналтирилган интерактив электрон таълим ресурслари таълим жараёнига татбиқ қилинганлиги; талабалар касбий компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган замонавий дастурий воситаларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак муҳандисларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга йўналтирилган электрон таълим муҳити модели ишлаб чиқилганлиги, ундан амалиётда фойдаланиш; касбий тайёргарликни такомиллаштиришда модулли технологиялардан фойдаланиш методикасининг шакллантирилганлиги ва улардан ўқув курслари мазмунини ҳамда ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, замонавий ўқув-методик

таъминотни яратиш ва илғор таълим технологияларини жорий этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электрон таълим муҳотида аралаш ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электрон таълим муҳотида ўқитишнинг ташкилий-методик тамойил (кўргазмалилик, ижодий фаоллик, самародорлилик)лари ёрдамида машғулотларни ўқув-ташкилий тузилмасига 3D форматли динамик ва рақамли электрон таълим ресурс (GeoGebra дастури ва мобиллашуви)ларни контентлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар АИФ №2/15 рақамли “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги Академик инновациялар фонди ҳалқаро грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-07-2257/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга таёрлаш, талабалар касбий компетентлигини ошириш имконини яратган;

техника йўналишидаги ОТМларида талабаларнинг мустақил таълим олишига хизмат қиладиган ЭЎУП модели (веб-платформа) ўқув ахбороти ва мултимедиани тақдим этишнинг тўлиқлилик, интерактивлик, узвийлик, мослашувчанлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган таклифлар И1-ОТ-О-96426 рақамли “Таълим муассасаларида амалий касбий таълим методикаси ва технологияларини тизимлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-07-2257/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг мутахассис-лик масалаларини ечишда дастурий таъминотлардан касбий фаолиятда фойдаланиш имкониятлари яратилган;

амалий масалаларни ечишга мўлжалланган педагогик дастурий таъминот ва виртуал аудиториялар (масофадан туриб)ни интегрятлаш асосида талабаларнинг касбий компетентлиги сифатлари (ижодий фаоллик, яратувчанлик, қобилиятлилик)нинг функционал хусусиятлари оптималлаштиришга оид таклифлар АИФ №2/15 рақамли “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги Академик инновациялар фонди ҳалқаро грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-07-2257/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг масофадан ўқиш ва мутахассислик масалаларини дастурий таъминотлар асосида ечиш кўникма, малака ва амалий фаоллик даражаси ошган;

аралаш таълим муҳотида талабаларнинг таҳлил ва синтез қилиш, ижодий фаоллик ҳамда касбий компетенцияларини ривожлантириш алгоритминини мезон ва кўрсаткичлари булутли технологиялар ҳамда виртуал таълим воситалари

асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-07-2257/04-сон маълумотномаси). Аралаш ўқитиш муҳитида талабаларнинг касбий компетентлиги сифатларининг функционал хусусиятларини такомиллаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробаяси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 5 та республика, 2 та хорижий ва 1 та скопус маълумотлар базасидаги журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Электрон таълим муҳитида аралаш ўқитиш методикасининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида электрон таълим технологияларнинг ҳозирги ривожланиш даражаси таълим тизимининг инновацион жараёнларга интилиши билан бирга, олий таълим муассасаларида таълим жараёнидаги ўзгаришлар ҳамда тадқиқотнинг назарий асослари маҳаллий ва хорижий олимларнинг асарлари асосида шаклланган кўплаб илмий манбаларни таҳлиллари келтирилган. Бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бу таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш вазифаси асосий мақсадлардан бири бўлиб турибди, электрон таълим муҳити ва унда аралаш ўқитиш методикаси ҳақида тушунчалар моҳияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти олий таълим тизимида талабаларни аралаш ўқитиш методикасининг асосий элементларини аниқлаш; талабаларни аралаш ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш ва улардан самарали

фойдаланиш учун зарур ташкилий-педагогик шарт-шароитларни асослаб бериш; университет профессор-ўқитувчиларининг педагогик АКТ компетентлигининг аниқлаш. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса қуйидагилардан иборат: талабалар ва профессор-ўқитувчиларининг электрон таълим ресурсларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи аниқланди ва асослаб берилди; профессор-ўқитувчиларининг АКТ компетентлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди; аралаш ўқитиш методикасининг схемаси ишлаб чиқилди, электрон ва анъанавий таълим технологияларидан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Аралаш ўқитиш (инглиз тили. "Blended Learning") электрон таълим элементлари билан юзма-юз ўқитишнинг анъанавий шакллари билан қўшилиб, у компьютер графикаси, видео ва аудио, интерактив элементлар ва бошқалар каби махсус ахборот технологияларидан фойдаланади.

Аралаш ўқитиш методикаси бўйича қуйидаги тадқиқот ишлари билан танишиб чиқдик, жумладан Я.К.Абрамов аралаш ўқитишда қандай таълим технологиялардан фойдаланиш ҳақида фикрлар билдирган, А.И.Андеева рус таълим тизимида аралаш ўқитиш ҳақида, Н.В. Ломоносова аралаш ўқитиш тизими, И.А Нагаева аралаш ўқитиш жараёни ҳақидаги фикр билдирган. М.Р.Файзиева ҳамда М.Лутфуллаевларнинг тадқиқот ишларидаги аралаш ўқитиш методикаси бўйича маълумотлар таҳлил қилинди.

Аралаш ўқитишни жорий этиш ўқитувчидан одатдаги, кўп асрлик иш шаклига қараганда анча куч ва вақт талаб қилади. Устоздан ёрдамчига айланган ўқитувчининг ўқув жараёнидаги ролини ўзгартиришга психологик тайёр эмаслиги ҳам аниқ тўсқинлик қилади. Аралаш ўқитишни янгилик сифатида жорий этиш талаба ва ўқитувчининг ўз-ўзини аниқлаш ва фаолият йўлларида бир қатор ўзгаришларга олиб келади. Талаба эркинлик ва масъулият муҳитини топади, унда у онгли танлов қилишни ва унинг оқибатлари учун жавобгар бўлишни ўрганади. Ўқитувчи ўзи учун янги ролларда фаолият кўрсата бошлайди, хусусан, таржимон ролидан тарбиячи ролига ўтади ва ўқитувчининг асосий воситаси синф муҳити билан онлайн муҳит ўртасидаги аралаш бўлган ўқув муҳитига айланади.

"Аралаш ўқитиш" (Blended learning) атамаси тарихи XX асрнинг 90-йилларида, интернет сарлавхаларида пайдо бўлган ва интерактив ўқув марказларининг онлайн курсларни аралаш ўқув методикасидан фойдаланган ҳолда ўқишларини таклиф қила бошлаган.

Электрон таълим ресурсларини амалда қўллаш соҳасидаги илмий-педагогик адабиётларнинг назарий таҳлилида "аралаш ўқитиш" атамасига берилган маҳаллий ва хорижий олимларнинг тарифлари келтирилди. Турли манбаларда хилма-хил таърифлар ва атамалар келтирилган буларга: "аралаштирилган ўрганиш", "гибрид", "интеграциялашган" ("веб-кенгайтирилган"), бирлаштирилган" ("аралаш режим") деб аталган.

Аралаш ўқитишнинг баъзи муҳим ва педагогик жиҳатидан бири бударсларга талабаларнинг қизиқишни уйғотади, талабаларнинг чуқурроқ

ўрганишни рағбатлантиради, шунингдек уларни илҳомлантирадиган, фаол ва технологияга кўпроқ жалб қилади. Аралаш ўқитиш таълим фақат онлайн режимда олиб бориладиган маълумотларга қараганда яхши натижаларга эришиши аниқланди. Талабалар бундай ўқитиш усулларини анъанавий усулдан афзал кўришади ва аралаш ўқитиш талабаларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг самарали усули ҳисобланади.

Анъанавий ўқитиш ҳамда ўқув фаолиятини шахсан онлайн равишда қандай қилиб уйғунлаштиришни танлашда кўплаб омилларни ҳисобга олиш керак. Баъзи ҳолларда, талабалар ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро алоқалар, шунингдек дарсларни бевосита етказиб бериш синфда амалга оширилади, манбалар ва баъзи қўшимча маълумотлар интернет орқали етказиб берилади. Бошқа ҳолларда, машғулотларнинг аксарияти интернетда бўлиб, муаммоларни ҳал қилиш ва жамоат қурилишини қўллаб-қувватлаш учун тез-тез учрашувлар ўтказилади.

Хитой олими Jia Zhang Blended learning технологиясига “аралашган ўқув жараёнини аниқ кўрсатиш ва ҳар бир ўқув жараёнини аниқлаштириш учун ишлатиладиган тавсифлаш усули” деб таъриф беради.


Талабаларни ўқитишда аралаш ўқитиш метоодикасининг ажралмас элементи сифатида электрон таълим ресурсини кўриб чиқидик. Биз тадқиқотимиз давомида аралаш ўқитишда электрон ва рақамли таълим ресурсларининг қуйидаги афзалликларини келтирдик: таълим жараёнига талабанинг мослашувчанлиги; инновацион ривожланиш; талаба ва ўқитувчи ўртасида қўшимча мултимедиали мулоқат йўналишларини ишлаб чиқиш; таълимни шахсийлаштириш имконияти; дастурий таъминот ва техник афзалликлари; талаблар билимини баҳолаш учун шаффофлиги ва холислик; анъанавий ва масофадан ўқитишдаги ўзгарувчанлик; талаба мустақил фикрининг ривожланиши; талабаларда мотиваяни ошириш; ўқитувчилар ва талабалар ўртасида компьютер саводхонлиги малакасини ошириш учун қўшимча рағбатлантириш; ўқитишнинг барча босқичларида университет маъмурияси томонидан ўқув жараёнини узлуксиз кузатиб бориш имкониятининг мавжудлиги; талабанинг мустақил ишини кузатиб бориш ва бошқалар.

Электрон таълим муҳитида аралаш ўқитиш машғулотларни фойдаланиш омиллари санаб ўтилган:


дарс вақтидан унумли фойдаланиш; табақалаштирилган вазифалар; фаол талабалар; ижодкорлик; талабаларнинг тайёргарлиги; ххI аср кўникмаларини ўргатиш; қоғоз ишларидан чекиниш; барча ўқув ресурслари бир жойда; харажатларнинг қисқариши.

Юқоридаги чизмадан аралаш ўқитиш методикасидан самарали фойдаланишнинг қуйидаги омилларига ҳам эътибор берилган: машғулоти олиб борилаётган фан соҳаси; талабанинг ёши оилавий аҳволи; талабанинг бошланғич тайёргарлиги; машғулоти олиб бориш учун фойдаланиладиган инфратузилма; ўқитувчининг АКТ бўйича малакаси.

Электрон таълим муҳитида аралаш ўқитиш жараёнининг структураси схематик тасвири 1-чизмада келтирилган.



1-чизма. Электрон таълим муҳитида аралаш ўқитишнинг схематик тузилиши.



2-чизма. Аралаш ўқитиш методикасининг лойиҳаси.

Юқоридаги чизмадан аралаш ўқитиш методикасидан самарали фойдаланишнинг қуйидаги омилларига ҳам эътибор берилган: машғулот олиб борилаётган фан соҳаси; талабанинг ёши оилавий аҳволи; талабанинг бошланғич тайёргарлиги; машғулот олиб бориш учун фойдаланиладиган инфратузилма; ўқитувчининг АКТ бўйича малакаси.

Тадқиқот давомида “Аралаш ўқитиш” га берилган таърифлар билан танишиб чиқиб,

Аралаш ўқитиш- бу талабалар камида қисман электрон, онлайн шаклда ўқиган расмий ўқув дастури ва шу билан бирга ўрганиш вақти, курси ва суръати устидан назоратнинг баъзи элементлари мавжуд; қисман, машғулотлар талабалар уйдан ташқарида шахсан амалга оширилади. Ушбу таълим охирида бирлаштирилган ўқув тажрибасини таъминлаш учун турли хил усуллардан фойдаланади (Staker / Horn, 2012).

Аралаш ўқитиш - бу электрон таълим ва анъанавий таълимнинг педагогик томонидан режалаштирилган интеграцияси (Sloan Consortium).

Аралаш ўқитиш - бу турли хил манбаларни, хусусан, юзма-юз машғулотлар ва электрон таълим элементларини бирлаштирган ўқитиш усули (MacMillan Dictionary).

Аралаш ўқитишнинг қуйидги таърифларини келтирдик.

Диссертацияда: Аралаш ўқитиш – анъанавий ва электрон таълим шакллари ўзида мужассамлаштирган ҳамда педагогик технологияларидан самарали фойдаланиладиган ўқитиш шакли ҳисобланади.

Анъанавий таълимда талабани ўқитадилар, Аралаш ўқитишда эса – ўқишга ўргатиб, мустақил фаолиятини ташкил қиладилар.

Анъанавий таълимда марказда – ўқитувчи, Аралаш ўқитишда эса - талаба марказда бўлади.

Аралаш ўқитиш ёндошувидан фойдаланиш анъанавий таълим бериш имкониятидан анча мустаҳкам таълим тажрибасини яратиш имкониятига эга.

Аралаш ўқитиш нафақат аралаштириш усулларини назарда тутаяди, балки ўқитиш ва ишлашнинг ягона муҳитини яратиш учун кўрсатмалар, воситалар, ишлашни қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик, амалиёт ва баҳолашнинг уюштирилган қўлланилиши ва интеграциясига тегишли.

Аралаш ўқитиш - бу маълум бир дастур элементи учун ўқитишнинг энг самарали шаклини қўллаш орқали таълим потеналини максимал даражада оширишга интиладиган таълимни лойиҳалашга ёндошувдир.

Аралаш ўқитишнинг энг кенг тарқалган моделларини таҳлил қилиш асосида ушбу технологиядан фойдаланишнинг қуйидаги айрим хусусиятлари ўрганилди:

ташкилий хусусиятлари, техник хусусиятлари, ахборот хусусиятлари ва услубий хусусиятлари.

Юқоридаги таърифлардан ҳамда моделлардан келиб чиқиб, қуйидаги лойиҳада машғулотларнинг анъанавий ва масофавий шакллари ажратилган.

Диссертациянинг «**Электрон таълим муҳитида аралаш ўқитишни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштириш методикаси**» деб номланган иккинчи бобида аралаш ўқитишни такомиллаштириш воситалари ва ресурслари, хусусан, онлайн платформалар, онлайн курслар, электрон таълим воситалари (Google classroom, Zoom, LearnWorlds, iSpring ва GeoGebra)дан фойдаланишнинг

имкониятлари ҳамда уларнинг ўқитувчилар ва талабалар учун қулайликлари ёритилган.

"Визуал воситалар орқали талабалар математик тушунчаларни фақат рақамлар ва сўзларга ишонишдан кўра тезроқ ва осонроқ ифода этишлари мумкин" (Мерфи, 2009). Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда ушбу бобда GeoGebra дастурининг иловаларидан фойдаланиб виртуал аудитори яратиш, унда ишлаш ва электрон ресурсларни 3D моделларини қуриш назарияси ва амалиёти етарлича асослаб берилган.

Электрон таълим муҳити шароитида олий таълим муассасаларида аниқ фанлар методикаси апробациясининг батафсил тавсифи мазкур бобнинг иккинчи қисмида келтирилган.

Geogebra Classroom дастурида www.geogebra.org/classroom/huzfkdvj yoki www.geogebra.org/classroom da HUZF KDVP kodni kiritib виртуал аудитория яратилган, тажриба гуруҳларида бевосита дарс машғулотларда фойдаланилган; интернет тармоғида oliymatematika.uz номли шахсий веб сайтими бор ва у доимий ишлаб турибди.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика бўлимида маъруза, амалий машғулотларни матнли, анимация, тақдимот слайдлари ва тестлар ёрдамида касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қиладиган электрон модул яратиш орқали, электрон таълим муҳитининг электрон ресурслар ишлаб чиқилган.

Талабаларни ўқитиш самардорлигини оширишга хизмат қилувчи электрон ўқув услубий платформа (ЭЎУП) ишлаб чиқилган. Платформада талабалар учун зарур бўлган барча электрон таълим ресурслари жамланган. Талабаларнинг ўз-ўзини баҳоловчи тест дастурлари, ҳамда 3D графикли дастурлар ёрдамида электрон ресурслар яратиш тушунчалари келтирилган. ЭЎУП модели келтирилган.

Диссертацияда аралаш ўқитиш методикасининг баҳоловчи булутли технологияси келтирилган.

Аралаш ўқитиш методикаси ўқитувчиларнинг педагогик билимлари ва тажрибасига, мослашувчан таълим тамоилларига асосланиб педагогик технологиялар асосида электрон таълим муҳити устида қурилади. Бунда ўқитувчи ўз билим ва тажрибаларини педагогик технологиялар ёрдамида электрон таълим муҳитида (электрон ресурслари, дастурий воситалар ва интернет тармоғидан фойдаланиб) интеграциялашган методикасини яратади.

Шундай қилиб, самарали электрон ўқув-услубий платформасини яратиш ва қўллаб-қувватлаш ташкилий-услубий бўлинманинг таркибий қисми бўлиб, у ўқитувчининг зиммасидадир. Ташкилий қисмнинг бошқа фрагментлари ўқитувчининг назорат функцияларига бўлган эҳтиёжни (электрон ўқув ресурсида талабалар фаолиятини таҳлил қилиш; рақамли тизимга кириш давомати ва бошқаларни аниқлаб беради); ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги мулоқот; рейтинг тизимининг белгиланган чегараларида талабалар билимини баҳолашда ўзгарувчанлик ва маъмурият билан конструктив ишлашга имкон беради.

Таълим жараёнининг услубий таркибий қисми ва олий таълим муассасаларида қўлланиладиган маъмурий механизмлар бўйича талабаларнинг аралаш ўқитиш тизими самарадорлиги мезонлари:

Юқори сифатли АКТ-компетентлик мажмуи педагог ходимларни электрон таълим муҳотида ишлашга тайёрлаш ва ўқув фаолияти субъектларининг электрон таълим муҳитининг барча имкониятларидан тўлиқ фойдалана олиш қобилияти;

Талабаларни аралаш ўқитишда электрон таълим муҳитидан фойдаланишни маъмурий- меъёрий жиҳатларини тартибга солиш;

ОТМларда электрон таълим муҳитининг техник ва услубий фаолият кўрсатиши билан боғлиқ барча масалаларни ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш, ўқитувчилар ва университет маъмурияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизм имконияти;

Ўқитувчиларни таълим жараёнида электрон таълим муҳитидан фойдаланишини рағбатлантириш ва рағбатлантиришнинг пухта ўйланган мотивацион механизмлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижалари**» деб номланган учинчи бобда техника олий таълим муассасаларида электрон таълим муҳитда “Аралаш ўқитиш” методикасини тажриба-синовдан ўтказиш (олий математика фани мисолида) ва тажриба-синов дастури ишлаб чиқилган ва педагогик тажриба натижаларини олиш учун кузатув, сўровнома, тест ўтказиш, оғзаки ва ёзма сўров, ёзма иш каби турли усуллардан фойдаланилганлиги.

Тажриба-синовининг бошида танланган ОТМларидаги йўналишларда тосадифий танлаш йўли билан билим даражалари яқин бўлган тажриба ва назорат гуруҳларини ажратиш олдик. Тажриба ўтказилган техника олий таълим муассасаларнинг ҳар бирида тажриба гуруҳлари танланди. Тажриба гуруҳида мазкур тадқиқотда қўйилган ғоялар ва методик таклифларга асосан тажриба-синови олий математика фанини “Аралаш ўқитиш” методикаси асосида олиб борилиб, олий математика фанини аралаш ўқитишда мавзуларини ўзлаштиришни электрон таълим муҳотида электрон ресурслар асосида энг самарали ташкил қилиш мақсад қилиб қўйилди. Шунингдек, олий математика фанини ўрганиш жараёнида анъанавий дарс ва онлайн платформадан фойдаланиб ўқитиладиган назорат гуруҳлари ҳам белгилаб олинди.

Тажриба натижаларини тўлиқ ва яқуний хулоса қилиш мақсадида ўқув режада олий математика фани техника олий таълим муассасаларида уч ўқув семестрга мўлжалланганилиги сабабли тажрибамиз ҳам уч ўқув семестрида ва уч босқичда олиб борилди.

Тажриба-синовининг биринчи ва иккинчи босқичи бошида ва якунида Республикаимизнинг Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (Қашқадарё вилояти), Фарғона политехника институти (Фарғона вилояти) ва Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти (Самарқанд вилояти) да масофадан туриб тест ўтказилди.

Педагогик тажриба ишларида иштирок этган талабалар сони

1-жадвал

Гуруҳлар	Жами талабалар сони	Ўқув йиллари		
		2019/2020 (кузги семестр)	2019/2020 (бахорги семестр)	2020/2021 (кузги семестр)
Тажриба	232	71	78	83
Назорат	227	78	77	72
Жами:	459	149	155	155

Таҳлил натижалари қуйида келтирилган (2-жадвалга қаранг).

Педагогик тажриба-синов ишида қатнашган талабалардан олинган умумий натижалар

2-жадвал

Гуруҳ	Талабалар сони	“5” Аъло	“4” яхши	“3” қониқарли	“2” қониқарсиз	Ўртача баҳо	
Тажриба бошида							
Тажриба	71	5	21	40	5	3,37	1,02
Назорат	78	5	20	47	6	3,31	
Жами:	149	10	41	87	11		
Тажриба охирида							
Тажриба	83	15	51	16	1	3,96	
Назорат	72	6	21	40	5	3,39	1,17
Жами:	155	19	72	56	8		

Тажриба-синов бошланишида билим даражаларининг яқинлиги мезони асосида техника олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар гуруҳларидан танланма усули билан тажриба-синов учун 232 нафар ва назорат гуруҳларида 227 нафар талабаларнинг натижалари таҳлил қилинди.

ОТМларда талабалардан олинган назорат ишлари ва ўтказилган машғулотлар натижалари сифат ва миқдорий кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинди ва тадқиқотда аралаш ўқитиш методикаси асосида олий математика фанини ўзлаштиришнинг самарадорлигини баҳолашда математик-статистика усул орқали тажриба натижаларини қайта ишлашда фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари натижаларини ҳисоблаш ва тажриба ҳамда назорат гуруҳларининг ўзлаштириш ва қайта ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати (1-формула):

$$X = \frac{\sum_{i=1}^k x_i m_i}{N} \quad (1)$$

Бунда x_i – ўтказилган назорат натижасидаги ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисобланиб, у 2,3,4,5 каби қийматларни олиши мумкин; m_i – ўзлаштириш жараёнида олинган баҳоларнинг такрорланишлар сони; N – тажриба-синов ишларида қатнашаётган талабаларнинг сони.

«Олий математика» фани аралаш ўқишда мавзуларининг самарадорлигини оширишига мўлжалланган баҳоловчи тажриба ва назорат


гуруҳлари баҳоларининг ўрта арифметик қийматлари нисбати асосида самарадорлик коэффиенти аниқланди (2-формула қаранг).

$$\eta = \frac{X_T^*}{X_H^*} \quad (2)$$

Бу ерда X_T^* – тажриба гуруҳидаги, X_H^* – эса назорат гуруҳида ўзлаштириш баҳоларининг ўрта арифметик қиймати.

Тажриба ва назорат гуруҳларидан олинган педагогик тажриба натижалари юқорида келтирилган формулалар асосида статистик қайта ишланди.

ОТМ ларида «Олий математика» фани мавзуларини электрон таълим муҳитда “Аралаш ўқитиш” методикаси учун электрон ресурсни ишанмаларини педагогик технология тамойиллари асосида интерактив методлар ҳамда дастурий таъминотлардан фойдаланиб яратилган. Натижада, дастурий таъминотдан фойдаланиб ҳисоб график ишларини бажариш кўникмаси, билим савияси ва ўзлаштириш самарадорлиги назорат гуруҳи талабаларидан 15% самарадорликка эришилди. Тажриба ва назорат гуруҳидаги ўзлаштириш даражасининг диаграммасини 4-жадвал натижа асосида келтирилган (3-4-жадваллар).



Ушбу умумлаштирилган якуний натижаларнинг математик-статистик таҳлилинини тавсия этилаётган «Олий математика» фани мавзулари ўқув машғулотини аралаш ўқитиш тизими асосида такомиллаштирилган методиканинг самарали эканлигини асослаш мақсадида олинган натижалар К.Пирсоннинг χ^2 (хи квадрат) мезони асосида таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилди.

χ^2 мезонининг натижалари танланган назорат ва тажриба гуруҳи талабаларида 4 та баҳолаш турлари асосида олиб борилгани учун $C=4$ га тенг. Унда, $p=0,05$ деб олсак, $K=C-1=3$ га тенг бўлиб χ^2 жадвали асосида олинган $\chi_{kp}^2 = 7,81$ га тенг.

Тадқиқот ишларида олинган баҳолаш турлари $C=4$ га тенг бўлгани учун қуйидаги формула асосида ҳисоблаш ишларини олиб борамиз (3-формулага қаранг):

$$\chi^2_{\text{кузатув}} = \frac{1}{n_1 \cdot n_2} \sum_{i=1}^4 \frac{(n_1 Q_{2i} - n_2 Q_{1i})^2}{Q_{1i} + Q_{2i}} \quad (3)$$

тажриба синов ишларининг ишончли эканлигини аниқлаш мақсадида χ^2 мезони асосида иш олиб борилган бўлиб, χ^2 нинг қиймати 13,87 га тенг. Унда ўрта қийматларнинг тенглиги ҳақидаги $H_0 : \chi^2_{кр} \geq \chi^2_{кузатув}$ гипотеза (юз беради) тўғри деб топилади, унга муқобил (альтернатив) $H_1 : \chi^2_{кр} \leq \chi^2_{кузатув}$ гипотеза (юз беради) тўғри деб топилади.

Бундан, $H_1 : \chi^2_{кр} = 7,81 < 13,9 = \chi^2_{кузатув}$ гипотеза (юз берди) қабул қилинди.

Шундай қилиб, тадқиқотда тавсия этилган ўқитиш методиканинг одатдаги анъанавий ўқитиш методикасига нисбатан самарали эканлиги исботланди.

ХУЛОСАЛАР

Ўтказилган тадқиқотлар натижаси қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Электрон таълим муҳитида компьютер технологиялари воситасида аралаш ўқитиш методикси 3D форматли динамик ва рақамли электрон таълим ресурсларини контентлаш асосида такомиллаштирилган.

2. Талабаларга аралаш ўқитиш шароитида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишдаги эҳтиёжи ва талаблари аниқланган.

3. ОТМ лари ўқитувчиларининг электрон ўқув-услубий платформалар яратиш бўйича кўникмалар рўйхатини эгаллашлари ва таълим жараёнида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш имконини берувчи педагогик малакаларга эга бўлишлари белгилаб қўйилган.

4. Диссертацияда Аралаш ўқитиш – анъанавий ва электрон таълим шакллари ўзида мужассамлаштирган ҳамда педагогик технологияларидан самарали фойдаланиладиган ўқитиш шакли эканлиги аниқланган.

5. Талабаларнинг ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат этадиган ўқув платформа (ЭЎУП) ишлаб чиқилган ва электрон таълим ресурслари, ўзини-ўзи баҳолавчи тест дастурлари ҳамда 3D графикли дастурлар ёрдамида электрон ресурслар яратиш бўйича маълумотлар жамланган.

6. Маъруза, амалий машғулотларни матнли анимация, тақдимот слайдлари ва тестлар ёрдамида эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанларини касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат этадиган электрон модуль яратиш орқали электрон ресурслар яратилган.

7. Ўқитувчи ва талабалар орасида коммуникация, билимни баҳолашда ўзгарувчанлик ва конструктив ишлаш имконини берувчи аралаш ўқитиш методикасининг булутли технологиси такомиллаштирилган.

8. Аралаш таълим муҳитида талабаларнинг таҳлил ва синтез қилиш қобилиятлари, ижодий фаоллик ҳамда касбий компетенцияларини ривожлантириш алгоритими булутли технологиялар ва виртуал таълим воситаларини ўзаро оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03 / 30.012020. Ped.26.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАХИМОВ ХОЛМУРОТ АБДУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ СМЕШАННОГО
ОБУЧЕНИЯ В ЭЛЕКТРОННОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЕ
(На примере технических вузов)**

13.00.06 - Теория и методика электронного обучения

**АВТОРЕФАРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021 г

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам
зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров
Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Ped2360.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме))
размещен на веб-странице Научного совета (tdpu_kengash@edu.uz) и на информационно-
образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Абдуллаева Барно Сайфутдиновна, доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хакимова Мухаббат Файзиевна, доктор педагогических наук, профессор
	Тоштемиров Дониёр Эшбоевич, кандидат педагогических наук, доцент
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в _____ часов на заседании
Научного совета DSc.03 / 30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном
педагогическом университете. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, улица
Бунёдкор, 27 дом. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail:
tdpu_kengash@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при _____
Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100011, город Ташкент,
Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27 дом. Тел.: (99871) 276-79-11.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(протокол цифрового реестра №___ от «___» _____ 2021 года).

М.Э.Хайдаров

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
п.ф.д., проф.

Р. Г. Исянов

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.п.н., доц.

Н. А. Муслимов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., проф.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В новой концепции образования до 2030 года, принятой во всем мире международными организациями и развитыми странами, признается, что “Образование является основной движущей силой прогресса и важной деятельностью, направленной на достижение целей в области устойчивого развития”. В образовательный процесс внедрены электронные технологии предоставления качественного образования, развития знаний, умений и навыков. В настоящее время в сочетании с стремлением системы образования к инновационным процессам в высших учебных заведениях проводится системная работа по преобразованию образовательного процесса, оптимизации управления самостоятельной подготовкой студентов с помощью современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий.

В системе учреждений высшего образования и научных организаций мира проводятся научные исследования по совершенствованию методического обеспечения дисциплин электронными информационно-образовательными ресурсами, развитию профессиональной компетентности студентов, широкому и массовому использованию на занятиях мультимедийных, информационно-коммуникационных технологий. Одной из наиболее эффективных форм управления временем самостоятельной работы учащихся может стать внедрение и использование системы “Смешанного обучения”, реализуемой посредством использования электронных образовательных ресурсов.

В целях модернизации образовательного процесса в нашей Республике создаются филиалы, совместные факультеты, совместные образовательные центры престижных высших учебных заведений США, России, Франции, Республики Южная Корея, Китая, Японии, Турции, Индии, Латвии, создается их материально-техническая база. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан приоритетной задачей определено “дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда”. В этой связи актуальна задача использования трехмерных систем динамической визуализации для оперативного отображения информации о состоянии сложных объектов при развитии дистанционного обучения, широкого внедрения в практику смешанного обучения (“Blended learning”), вебинаров и других онлайн-технологий обучения, позволяющих на основе зарубежного образовательного опыта создать электронное методическое обеспечение обучения. А это значит, что использование методики “смешанного обучения” при широком внедрении дистанционного образования, которое служит для определения перспективных направлений образования в нашей стране, позволит студентам в будущем стать зрелыми специалистами своей профессии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему

развитию Республики Узбекистан”, Постановлении ПП-3775 от 5 июня 2018 года “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах”, постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 мая 2020 года № ПП-4708 “О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики” и других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Степень изученности проблемы. Теоретические основы организации электронной образовательной среды и использования информационных технологий нашли отражение в работах Абдукадырова А. Бегимкулова У. Муслимова Н.А. Тайлакова Н.И., Алимова К.Т., Шарипова Ш.С., Исмаиловой З.К., Ибрагимовой Г.Н., Хаитова А., Закировой Ф.М., Арипова М., Туракулова О., Мамараджабова М.Э., Турсунова С.К., Шодиева Р.Д., Суропова Б.М., Чоршанбиев З.Э.

Функциональные возможности электронной образовательной среды, современные электронные образовательные ресурсы освещены в научных исследованиях Захарова У.С., Ильина В.А., Калина И.И. Осипова О., Полат Е.С., Андреева А. Захарова И., Хуторской А., Роберт И.В.

Научные исследования касательно формировании электронной образовательной среды, использовании электронных образовательных ресурсов проводились зарубежными учеными, как Andresen B., Burns M., Henderson M., Mishra S., Muras T., Mangal U., Ramesh C., Raymond F., Romeo G., Rosenberg M., Vaughan T., Chambers W.N., Cowen E.L., Johnson E., Spector J.M., Locard J., Kegan D., Kulanthaiivel G.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, в котором была выполнена диссертация.

Исследовательская работа проводилась в Ташкентском государственном педагогическом университете в рамках международного гранта AIF №2 / 15 «Разработка модели и технологии организации дистанционного обучения в высшей школе Узбекистана на основе современных информационно-коммуникационных технологии», грантового проекта «Систематизация и внедрение методов и технологий обучения» №И1-ОТ-О-96426 и практического проекта «Развитие педагогической деятельности на основе совместной педагогики в образовательных учреждениях» № ПЗ-2017927124.

Целью исследования разработка рекомендаций по совершенствованию смешанной методики преподавания в электронной образовательной среде.

Объектом исследования является совершенствование методики

смешанного обучения в электронной образовательной среде в технических высших учебных заведениях.

Предметом исследования являются форма, инструмент, технология и методы смешанного обучения в электронной образовательной среде.

Задачи исследования:

совершенствование методики смешанного обучения в электронной образовательной среде на основе проектирования 3D-форматных динамических и цифровых электронных образовательных ресурсов;

совершенствование модели ЭОР (веб-платформы), служащей для самостоятельного обучения студентов в технических вузах на основе принципов полноты, интерактивности, органичности, адаптивности представления учебной информации и мультимедиа;

совершенствование функциональных характеристик качеств профессиональной компетентности учащихся в условиях смешанного обучения;

совершенствование алгоритма анализа и синтеза, творческой активности и развития профессиональных компетенций учащихся в смешанной образовательной среде на основе критериев и показателей облачных технологий и виртуальных средств обучения.

Методы исследования. В исследовании были использованы педагогические, психологические и методические источники, дидактическая литература, ГОС, учебные планы и программы, сравнительное изучение и анализ учебно-нормативных документов, наблюдение за образовательным процессом, анкетирование, беседа, проведение опытно-экспериментальной работы и математико-статистическая обработка полученных результатов.

